



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
201 538 312

Nomi
XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Samarqand viloyati, Samarqand shahri, MAXMUD
QOSHG'ARIY KO'CHASI

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
201 538 312

Nomi
XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Samarqand viloyati, Samarqand shahri, MAXMUD
QOSHG'ARIY KO'CHASI



22.12.2023

2339708

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1598759



«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Самарқанд шаҳар ҳокимияти
хузуридаги “Давлат хизматлари
маркази”

2023 йил « » ноябрь
рақам билан



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«XOVRENKO NOMIDAGI
SAMARQAND VINO KOMBINATI»
aksiyadorlik jamiyati

акциядорларининг умумий
йигилишининг
2023 йил 22 ноябрдаги умумий
йигилишининг
қарори билан



**«XOVRENKO NOMIDAGI
SAMARQAND VINO KOMBINATI»
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ
(янги тахрири)**

Самарқанд шаҳри - 2023 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» акциядорлик жамияти, бундан кейин «жамият» деб номланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 1994 йил 29 декабрдаги 791-ПО-сонли Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинатини очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги буйруғига мувофиқ ташкил этилган.

Жамият Самарқанд вилояти адлия бошқармасида 1995 йил 11 апрел куни 239-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Янги таҳрирдаги Устав 2018 йил 24 декабрда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги Давлат хизматлари Маркази томонидан рўйхатдан ўтказилган жамиятнинг Уставига асосан ишлаб чиқилган.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

кирилл алифбосида - «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» акциядорлик жамияти;

лотин алифбосида - «XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида:

Акционерное общество «Самаркандский винкомбинат имени Ховренко».

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

кирилл алифбосида - «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати»

АЖ;

лотин алифбосида - «XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» AJ.

Рус тилида:

АО «Самаркандский винкомбинат имени Ховренко».

1.5. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.6. Жамият ўз мақсади ва фаолиятига кўра ўз номидан шартномалар ва бошқа келишувларни тузиш, мулкый ва номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариш, хўжалик ва бошқа судларда даъвогар ёки жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги қонунларга асосан:

а) Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ва ундан ташқарида юридик ва жисмоний шахслар билан турли йўналишдаги хатти ҳаракатларни амалга оширади ва қонуний ҳужжатларни тузади;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет эл мамалакатларида узининг бўлинмаларини, тизимий бирликларини, қўшма корхоналарини ва ваколатхоналарини ташкил этади;

в) ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширади;

г) холдингларга, концернларга, ассоциацияларга ва бирлашмаларга киради;

д) Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги қонунчиликларда юридик шахсларга берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади.

1.8. Жамият ўзининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги қонунлар ва қонунчилик актлар асосида ҳамда мазкур Устав асосида олиб боради.

1.9. Жамият юридик шахс бўлиб, ўз номидаги муҳрига ва мустақил балансига, миллий ва чет эл валютаси бўлган ҳисоб ва бошқа счет рақамларига эгадир. У ўз номидан шартномалар тузади, мулкӣ ва шахсий-номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади ва шу мажбуриятларни бажаради. Судда, хўжалик ва ҳакамлик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.10. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

1.11. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.12. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.13. Жамият филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин. Улар жамият томонидан ташкил этилган мулк билан узларини таъминлайди ва жамият тасдиқланган низомлар асосида иш кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берилган ишончнома асосида иш кўради.

1.14. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.15. Жамият бошқа жамият иштирокчиси (таъсисчиси) бўлиши, холдингларга, бирлашмаларга, ассоциацияларга, концернларга кириши мумкин.

1.16. Жамият узининг пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлари банк муассасаларида жорий ҳамда бошқа ҳисобларида сақлайди. У барча ҳазинавий, ҳисоб-китоб ишларини мавжуд қоидалар асосида амалга оширади.

Жамият ҳисобидан пул кўчириш ёки бериш, жамият Бошқарув раиси ва бош ҳисобчи қарори билан амалга оширилади.

1.17. Жамият мустақил равишда ишлаб чиқариш ва хўжалик режаларини ишлаб чиқади ҳамда уни тасдиқлайди.

1.18. Жамият узининг Устав фаолиятини бажариш учун:

а) уз фаолиятида, уз иштирокчилари ва ишчиларнинг автотранспортидан, асбоб ускуналаридан фойдаланади ва ўз навбатида уларнинг эгаларига маълум миқдорда тўловлар тўлайди;

б) белгиланган тартибда зарурий ҳолда биноларни, иншоотларни, хоналарни, ускуналарни ва асосий фонд кирувчи бошқа мулкларни олади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва чет элнинг юридик ва жисмоний шахслардан шартнома асосида сотиш ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган халқ истеъмоли товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш техника йўналишидаги маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари, хом-ашё ва материалларни шартнома асосида олади;

в) мавжуд қоидаларга асосан банк муассасаларидан, юридик ва жисмоний шахслардан узоқ ва қисқа муддатли қарзларни олади;

г) бошқа корхоналарга, ташкилотларга, муассасалар ва шахсларга унга қарашли бўлган биноларни, иншоотларни, ускуналарни транспорт воситаларини, асбобларни, хом-ашёни ва бошқа материал бойликларни сотиш, бериш ижарага бериш, бепул вақтинчалик ишлатиш учун бериш ва уларни балансдан чиқаришга ҳақлидир;

д) ўз фаолияти ва Уставига кўра давлат, хўжалик, ширкатчилик ва бошқа жамоа ташкилотлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномавий муносабатларни ва бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

1.19. Жамият шарномалар асосида олинган ва узи ишлаб чиқарган маҳсулотларни узи мустақил равишда тасдиқланган нархларга сотилади ёки, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан бошқариладиган давлат баҳосида сотади.

1.20. Жамият ҳисоб-китоб ва статистик ҳисоботларни белгиланган тартибда олиб боради ва унинг тўғрилиги учун жавоб беради.

1.21. Жамият ишлаб чиқариш, юридик ва тижорат мустақилликга эгадир.

1.22. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, М.Қошқари кўчаси, 58-уй. Индекс: 140100.

1.23. Жамиятнинг электрон почта манзили: oaovinzavodxovrenko@mail.ru, hovrenko@vinsanoat.uz

1.24. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.xovrenko.uz

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- вино материаллари, вино коньяк, ликер-ароқ маҳсулотлари ва узумдан спирт-хом-ашё ишлаб чиқариш;

- қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат товарлари ва маҳсулотлари, шарбат, консерва маҳсулотлари, минерал ва ошхона ичимлик сувларини, пиво ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш;
- халқ истеъмоли моллари (тикилган кийимлар, атторлик, трикотаж, туқимачилик, ва совғабоп маҳсулотлар, металлдан, ёғочдан, пластмассадан, чармдан, медел) ишлаб чиқариш;
- қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш техника йўналишдаги маҳсулот ишлаб чиқариш;
- юридик ва жисмоний шахслардан жун, қоракул, кун хом ашёси ва қурук меваларни, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини, иккиламчи хом ашёни, макулатурани, темир-терсакни тайёрлаш, уларни сотиш ёки саноат асосида қайта ишлашни ташкиллаштириш;
- юридик ва якка шахсларнинг барча марказдаги автомашиналарига ва автотранпортига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
- озиқ-овқат товарлари ва маҳсулотлари, ликер ва ароқ маҳсулотлари, коньяк, вино, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари (тикилган кийимлар, атторлик, трикотаж, туқимачилик, ва совғабоп маҳсулотлар, темирдан, ёғочдан, пластмассадан ва теридан маҳсулотлар), ишлаб чиқариш ва техника йўналишидаги маҳсулотлар, ёқилги-мойлаш материаллари, бензин, газ, қурилиш материаллари ва конструкциялари, ускуналар, механизмлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, мебеллар, тиббиёт препаратлар ва дори-дармонлар билан кутара, чакана ва воситачилик савдони ташкил қилиш;
- савдо-сотиб олиш ва савдо воситачилик фаолияти, фирма савдосини ташкил қилиш;
- аудио ва видео аппаратураларни, компьютерлар ва оргтехникаларни, алоқа воситаларини, электр-маиший техникани, илғор технологияни, ускуналарни, машиналарни, механизмларни, эҳтиёт қисмларни, мебелни, ишлаб-чиқариш ва техника йўналишидаги маҳсулотларни, озиқ-овқат товарларини ва маҳсулотларини, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини, ликер ва ароқ маҳсулотларини, коньяк, вино, тиббиёт ускуналарини ва дори-дармонларини импорт қилиш ва уларни юридик ва жисмоний шахсларга кутара ва чакана савдо орқали сотиш.
- юридик ва якка шахсларга коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (кийим тикиш ательеси, пояфзал таъмири, кийимларни кимёвий усулда тозалаш, ювиш, сартарошлик, уй-рузғор буюмлар таъмири, аудио видеотехника, телеаппаратуралар таъмири, миллий мусиқа асбобларни таъмирлаш ва тайёрлаш);
- сайёҳларни, шў жумладан чет эллик сайёҳларни қабул қилиш, жунатиш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахслар буюртмаси асосида таъмирлаш, қурилиш ва монтаж ишларини бажариш;
- умумий овқатланиш корхоналарини (ресторанлар, барлар, қаҳвахоналар, буфетлар, ошхоналар, чойхоналар) ташкиллаштириш;
- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

2.3. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 3 275 171 520 (уч миллиард икки юз етмиш беш миллион бир юз етмиш бир минг беш юз йигирма) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 068 сўм бўлган 3 066 640 дона оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Жамиятнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.5. Кўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларга кўшимча равишда чиқариш мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори – номинал қиймати 1 068 сўмдан бўлган 8.466.680 дона эгаси ёзилган оддий акциялардан иборат.

3.7. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.8. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.9. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.10. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

3.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.12. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.13. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади

4.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.5. Жамият молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

4.6. Жамиятнинг молиявий йил дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

4.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

4.10. Жамият томонидан ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда, жамиятнинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлар учун харажатлари ўтган йил соф фойдасининг 10 фоизидан ортиб кетмаслиги шарт.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорлари:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

6.4. Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.5. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.6. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.7. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

Жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик.

Акциядорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

Депо ҳисоб варағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжатдир.

VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

7.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи - Бошқарув.

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

8.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

8.5. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

- жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар тузиш.
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда жамият томонидан аффилиланган шахс билан битимларни маъқуллаш.

8.6. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1. Жамият Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони етти кишидан иборат.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хужалик жамиятларида Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар Узбекистон Республикаси Бош Вазири ёки унинг тегишли уринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

9.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органига аъзоларини сайлаш; (Бошқарув раиси номзоди бундан истисно)

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

- жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- жамият Бошқарув раиси ва аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифаларини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

9.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.5. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустакил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

9.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

9.7. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

9.8. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

9.9. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

9.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.11. Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

Х. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия орган - Бошқарув томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви етти кишидан иборат бўлиб, Бошқарув раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида уч йил муддатга сайланади, Бошқарувни олти аъзоси Кузатув кенгаши томонидан сайланади.

10.2. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида қарор қабул қилинади.

10.3. Акциядорларнинг кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган жамият ижроия органи таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини кузатув кенгашини навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

10.4. Бошқарув фаолияти устидан акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадиган Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг жамият Бошқарув раиси тайинлаш тўғрисидаги қарори, одатда, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик булган хужалик жамиятлари ижроия органи раҳбари лавозимига номзод Узбекистон Республикаси Бош Вазири ёки унинг тегишли уринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

10.5. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини жамият номидан жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди.

10.6. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашига ҳисобот беради.

10.7. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.8. Жамият Бошқарувининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.9. Жамият Бошқарув раиси ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур Устав ва жамият кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

- штатлар рўйхати ва лавозим маошларини тасдиқлайди, жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
- сотиладиган маҳсулотларга нарх белгилайди ва кўрсатиладиган хизматга тарифларини тасдиқлайди;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

10.10. Жамият бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

10.11. Жамият бошқаруви қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

10.12. Жамият Бошқаруви мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

11.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

11.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

